

Статистик регистрларни юритиш бўлими тўғрисидаги НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Статистик регистрларни юритиш бўлими (кейинги уринларда - бўлим деб аталади) Навоий вилояти статистика бошқармасининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

2. Бўлим фаолияти ривожланишнииг миллий ва минтақавий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда илмий методология, халқаро стандартлар ва қоидаларга асосланган, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, фуқаролар ва ташкилотларнинг расмий статистика ахборотларига бўлган эҳтиёжини қондирувчи ахборот-статистика тизимининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга йуналтирилган.

3. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, "Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси туғрисида"ги Низом ҳамда мазкур Низомга амал қилади.

4. Бўлим ўз фаолиятини Бошқарма бошлиғининг ўринбосари раҳбарлигида амалга оширади.

5. Бўлим ўз фаолиятини Навоий вилояти статистика бошқармасининг бошқа таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар билан узаро ҳамкорликда амалга оширади.

II. Бўлимнинг вазифалари ва функциялари

6. Кўйидагилар бўлимнииг асосий вазифалари ҳисобланади;

юридик шахсларни ҳисобга кўйиш ва рўйхатдаи ўтказилган юридик шахслар тўғрисидаги маълумотларга ўзгаргиришлар киритиш бўйича ишларга услубий раҳбарлик қилиш ва уларни мувофиқлаштириш;

иқтисодий-статистик классификациялар тизимини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва юритишда иштирок этиш;

стандарт умумдавлат на ички идоравий статистик таснифлагичлар асосида юридик шахсларни эдентификациялашнинг ягона принципларини таъминлаш:

Корхоналар на ташкилотларнинг ягона давлат регистри (кейинги уринларда-КТЯДР дсб аталади) маълумотлари электрон базасини юритиш ва бошқариш;

КТЯДРни ривожлантиришнинг методологик асослари ва йўналишларини ишлаб чиқиш, ундаги маълумотларни актуал даражада сақлаш:

Давлат статистика ишлари дастури асосида КТЯДР маълумотларини йиғиш. кайта ишлаш, умумлаштириш ҳамда чоп этиш;

Навоий килояти статистика бошқармасининг бошқа таркибий бўлинмалари билан биргаликда статистик регистрларни юритиш соҳасида ягона сиёсатини амалга ошириш бўйича ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

Навоий вилояти статистика бошқармасининг бўлинмаларини статистик кузатув объектлари ҳақидаги маълумотлар билан таъминлаш.

7.Бўлим ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қўйидаги функцияларни амалга оширади:

Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, вилоят статистика бошқармасининг иш рсжаларини, бўлим иш рсжасини, бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этади ва ижросини таъминлайди;

КТЯДРни актуаллаштириш ва тасарруф этиш, КТЯДРнинг ҳудудий маълумот базаларини назорат қилиш ва кодланпиришда юзага келган хатоларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар тайёрлайди:

корхоналар ва ташкилотлар ҳақида тўлиқ ва аниқ маълумотлар билан бошқарув органларини ва бошқа фойдаланувчиларни таъминлайди;

КТЯДР маълумотлар базасининг архив нусхаларини сақлашни амалга оширади; давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар, солиқ органилари ва бошқа органлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

рўйхатдан ўтказувчи органлардан келиб тушадиган КТЯДР маълумотлари билан ишлашни амалга оширади;

КТУТ кодларини жамлаш ва уларнинг такрорланмаслигини назорат қилади; вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмаларининг тузилмаларини юритади:

КТЯДРдан фойдаланувчиларга ахборот-маълумотнома хизмати кўрсатади;

КТЯДРдаги классификациялаштириш кўрсаткичларини давлат статистика кузатувларини ўтказиш жараёнида олинган дастлабки статистика маълумотлари асосида ўз вақтида ўзгартиришни амалга оширади;

статистик регистр маълумотларининг махфийлигини таъминлайди;

ҳудудий статистика органларига услубий ҳамда амалий ёрдам кўрсатади;

Бўлим томонидан ишлаб чиқиладиган статистик кўрсаткичларнинг, юклатилган вазифалар на функцияларни амалга ошириш бўйича бўлим фаолияти самарадорлигининг доимий мониторинги:

Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурини ва Навоий вилояти статистика бошқармаси раҳбарияти топшириқларини электрон хужжат айланиши тизимини у) вақтида бажарилишини назорат қилиш, шунингдек бажарилган режадаги ва режадан ташқари ишлар тўғрисида

бўлимнинг ойлик хисоботини тузиш орқали ташкил этилади.

8.Бўлим фаолиятига бўлим бошлиғи раҳбарлик қилади, бўлим бошлиғи Навоий вилояти статистика бошқармаси бошлиғи томонидан Давлат статистика кўмитаси билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва овоз қилинади.

9.Бўлим бошлиғи:

Бўлимнинг бутун фаолиятига раҳбарлик қилади, бўлимга юклатилган вазифа ва функцияларни бажарилиши, ижро ва меҳнат интизоми ҳолати учун шахсан жавоб беради;

Бўлим фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва уни кадрлар билан тўлдириш чораларини кўради;

кўйилган вазифалар, келиб тушган ҳужжатларни назорат қилиш ва ишда тажриба алмашиш масалалари бўйича бўлим ходимлари билан йиғилишлар ўтказиши;

иш юритишни олиб бориш, топшириқларнинг ўз вақтида бажарилишини катъий назорат қилиш бўйича ишларни ташкил этади, ходимларнинг ишга оид ҳужжатлар билан ишлаш ва уларни сақланиши бўйича белгиланган тартибда риоя қилишларини таъминлайди;

Бўлим бошлиғи йўқ бўлган пайтда унинг вазифаларини бўлим бош мутахассиси бажаради.

10.Бўлим бошлиғи қўйидаги ҳуқуқларга эга:

ходимларни бошқа лавозимларга кўрсатиш, ўтказиш ва рағбатлантириш, зарур ҳолларда жазолаш чорасини қўллаш тўғрисида Навоий вилояти статистика бошқармаси раҳбариятига таклифлар киритиш;

Бўлим ишини ташкил этишни, усули ва услубини яхшилаш, хисобот, ижро ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

Бошқарма бошлиғининг ўринбосари билан келишилган ҳолда Бўлим ходимларининг лавозим вазифаларини тасдиқлаш;

ходимларининг лавозим маошларига шахсий устамалар белгилаш. шунингдек аввалги ўрнагилган устамаларни камайтириш ёки бекор қилиш бўйича Навоий вилояти статистика бошқармаси раҳбариятига таклифлар киритиш;

Навоий вилояти статистика бошқармаси раҳбарияти томонидан ўтказиладиган йиғилишларда қатнашиш;

Худуддаги бошқармалар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар билан бўлим ваколатига кирувчи масалаларни ҳал қилишда Навоий вилояти статистикабошқармаси номидан иш юритиш.

КТЯДР маълумотлар базасининг ишончлилиги, холислиги, тезкорлиги, комплекслигини ва тизимлигини таъминлади,

Бўлим ваколатига кирадиган масалалар бўйича замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида тизимлаштирилган электрон маълумотлар базасининг яратилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда тўлдирилиб ва янгиланиб борилишини таъминлайди:

Бўлимга юкланган бошқа функцияларни белгиланган тартибда амалга оширади.

Ш. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

11. Бўлим узига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун кўйидаги ҳуқуқларга эга:

Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, Навоий вилояти статистика бошқармасининг иш режаларини, булим иш режасини тузилиши ва мазмуни бўйича Навоий вилояти статистика бошқармасининг раҳбариятигатаклифлар киритиш:

Бўлимга юклатилган вазифаларни бажаришда зарур бўлган маълумотларни Навоий вилояти статистика бошқармасининг бўлимларидан, ҳудудий статистика органларидан олиш;

КТЯДР маълумотлар базасининг тузилиши ва дастурий таъминотига узгартиришлар киритиш;

Булим ваколатига кирадиган масалалар бўйича Навоий вилояти статистика бошқармаси раҳбарияти билан келишилган ҳолда ҳудудий статистика бўлимларининг тегишли масъуллари ва тармоқ бўлимлари билан йиғилишлар ўтказиш;

тузилмаларни юритиш масаласи бўйича бошқармалар ва идоралар вакиллари билан биргаликда ишлаш;

фойдаланувчиларга белгиланган тартибда КТЯДР ва статистик регистрдаги маълумотларни тақдим этиш.

12. Бўлим ваколоти доирасидаги статистик маълумотларнинг статистиканинг ягона статистик илмий методология асосида тартибга солиш ва сифатини ошириш учун ҳамда статистик, тахлилий ва бошқа материалларнинг савияси учун жавобгар бўлади.

Бўлимга келиб тушувчи ва чиқувчи материаллар бўйича давлат ва тижорат сирларига риоя қилиниши ва сақланишини таъминлаш учун жавоб беради.

IV. Бўлим фаолиятини ташкил этиш

13. Бўлим фаолияти Ўзбекистон Республикасининг "Давлат статистикаси тўғрисидаги қонунига, ушбу Низомга, Навоий вилояти статистика бошқармасининг буйруқлари ва қарорларига, шунингдек Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури. Навоий вилояти статистика бошқармасининг иш режалари, бўлимнинг йиллик иш режаси, ходимларнинг лавозим вазифалари асосида ташкил этилади.

Бўлим ходимларининг лавозим вазифалари Навоий вилояти статистика бошқармаси бошлиғининг ўринбосари билан келишилади ва тасдиқланади.